



ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШНИНГ ЖИНОЙИ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нарзиллоев Фарход Насилоевич

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Уюшган жиноятчиликка қарши кураш
бошқармаси, Ахлоқ ва соғлиққа қарши жиноятлар билан курашиш бўлими
бошлиғи*

Аннотация. Мақолада таносил ёки ОИВ касаллиги (ОИТС)ни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларнинг тушунчаси, ҳуқуқий тавсифи, ушбу жиноятнинг таркибий элементлари, унинг ижтимоий хавфи кўрсатиб ўтилган. Шунингдек ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, қарши курашиш бўйича белгиланган субъектлар ва улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: таносил касаллиги, ОИВ касаллиги, ОИТС, ижтимоий ҳавф, соғлиққа қарши жиноят, ахлоққа қарши жиноят, тезкор профилактик чора-тадбир.

УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И ОСОБЕННОСТИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ВЕНЕРИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ИЛИ ВИЧ/СПИДА

Аннотация. В статье раскрываются понятие, юридическая характеристика, общественная опасность, элементы состава преступления, связанного с распространением венерических заболеваний или ВИЧ(СПИД)а. Также были рассмотрены правовые основы противодействия обнаружению преступлений, субъекты, предназначенные для противодействия и некоторые аспекты, которые должны ими реализовываться.

Ключевые слова: венерическая болезнь, ВИЧ-инфекция, СПИД, социальный риск, преступление против здоровья, преступление против психики, меры экстренной профилактики.

CRIMINAL-LEGAL CHARACTERISTICS AND FEATURES OF THE SPREAD OF SEXUALLY TRANSMITTED DISEASES OR HIV / AIDS

Annotation. The article reveals the concept, legal characteristics, public danger, elements of a crime related to the spread of sexually transmitted diseases or HIV (AIDS). The legal framework for counteracting the detection of crimes, the subjects intended for counteraction and some aspects that should be implemented by them were also considered.

Key words: venereal disease, HIV infection, AIDS, social risk, crime against health, crime against the psyche, emergency prevention measures.



Бутун дунёда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётган, кўплаб оилаларнинг тинчлигини бузаётган ва шу билан биргаликда дунёдаги жуда кўплаб давлатларнинг иқтисодига катта зарар етказаётган ОИВ инфекцияси ўзининг оқибатлари билан инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёда ОИВ инфекцияси эпидемияси тез суръатлар билан тарқалмоқда. Сўнгги 20 йил давомида ОИТСдан 20 млн.дан зиёд одам вафот этди, қарийб 50 млн. киши касалланган. Глобаллашув ва миграция жараёнининг тобора кенгайиб бориши, касалликнинг тарқалиш хавфи янада ошишига олиб келмоқд[1]. Ҳозирги вақтда, БМТ Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 281 миллион мигрант бор, бу ўтган йилга нисбатан 3,5 фоизга кўпдир. Уларнинг 135 миллиони аёллар, 146 миллиони эркекларни ташкил этади. Таққослаш учун, 1970 йилда дунёда 84 миллионга яқин мигрант бўлган, 1990 йилда 153 миллионга етган, сўнгги 50 йил ичида мигрантлар сони уч баравар кўпайган. Дунёда бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб ўтган мигрантлар сони 280 миллиондан ошди, бу эса дунё аҳолисининг 3,6 фоизига тўғри келмоқда[2].

БМТнинг Марказий Осиёдаги давлатларда ОИВ/ОИТС инфекциясини тарқалиши билан боғлиқ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 42 мингдан, Қозоғистонда 24 мингдан, Тожикистонда 8,5 мингдан ошиқ, Қирғизистонда 9 минг нафар фуқаролар ОИВ инфкциясига чалинганлиги кўрсатилган. Туркменистон Республикасида ОИВ инфекциясига чалиниш билан боғлиқ маълумотлар мавжуд эмас.

Ўзбекистонда эпидемиянинг ривожланиши бутун дунёда бўлгани каби юз берган. ОИВ инфекциясининг дастлабки ҳолатлари республикада 1987 йилда чет эл фуқаролари орасида аниқланган. Ўзбекистонда ОИВ энфекцияси эпидемияси 1989 йилда бошланган. 01.01.2019 й. ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикасида 40375 та ОИВ-инфекцияси билан яшовчи одамлар рўйхатидан ўтказилган (100 минг аҳолига жадал кўсаткич-122,0). Ҳомиладор аёллар орасида ОИВ-инфекциясининг тарқалганлиги умумий аҳоли орасида вируснинг тарқалганлигини аниқлаш учун қўлланиладиган кўрсаткич -2018 йили 0,02% ни ташкил қилди. 2017 йил билан қиёсланганда ОИВ-инфеакциясининг қайта аниқланган ҳолати сони 2018 йилда 0.9%га, мувофиқ тарзда, ошишини таъкидалаш жоиз, бу Ўзбекистонда эпидемик ҳолатни барқарорлашга кўзланга интилишлар ҳақида далолат беради. Шу вақтнинг ўзида ОИВ юқиши хавфи юқори бўлган аҳолининг бир нечта гуруҳларини ажартиш мумкин, уларнинг қаторига инъекцион гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи шахслар орасида-5,1% ни, рағбатлантириш эвазига жинсий алоқа хизматларини тақдим этувчи шахслар орасида-3,2% ни, эркеклар билан жинсий муносабатда бўлган шахслар



3,7% ни ташкил қилади. Бу концентрацион босқичда бўлгани каби Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясининг эпидемиясини таърифлаб беради[3].

Ушбу инфекциянинг тарқалишига қарши курашишга бутун дунё давлатлари алоҳида эътибор қаратиб, ҳар йили “1 декабрь - Бутунжаҳон ОИТСга қарши курашиш куни” кенг нишонланмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (*ОИВ инфекцияси*) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” 2013 йил 23 сентябрда ЎРҚ-353-сонли Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонуннинг 3-моддасида қуйидаги асосий тушунчаларга таъриф бериб ўтилган унга кўра, *одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ)* - одамнинг сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллигини кўзғатувчи; *ОИВ инфекцияси* - одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллиги; *ОИВни юқтириб олганлар* - одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар; *ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)* - одамнинг иммунитет танқислиги вируси одамнинг иммун тизимини шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи кабилардир[4].

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги нафақат шахснинг ҳаёти ёки соғлиғидан маҳрум қилган ҳолатлар учун жавобгарлик ўрнатади, балки шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини реал хавф остига қўядиган ижтимоий хавфли қилмишлар учун ҳам жавобгарлик белгилайди. Шунинг учун ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида инсон ҳаёти ёки соғлиғини хавф остига қўядиган тажовузлардан муҳофаза қилиш жиноят ҳуқуқининг долзарб вазифаларидан бири сифатида баҳоланади. Инсон ҳаёти, соғлиги ва унинг дахлсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг барча имкониятларини ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш давлат ҳокимияти органларининг диққат марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асосини ташкил этади. Фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига реал хавф туғдирувчи жиноятларнинг моҳиятини тўғри тушунишда уларнинг объектини, содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмиш ҳамда жабрланувчининг ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб берувчи барча маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятларни тўғри квалификация қилишда, уни ўхшаш жиноятлардан фарқлашга ва жазони тўғри тайинлашга имкон беради. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар деганда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатларга реал хавф туғдирувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига белгиланган, ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар туркумига таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш



Ўзбекистон

Республикаси

ЖКнинг

113-моддасида кўрсатилиб, ушбу моддада жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодекси 113-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бошқа шахснинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Жиноят кодексининг 113-моддасида қуйидаги мустақил таркибли қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни: а) била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш (1-қ.); б) ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш (2-қ.); в) била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш (4-қ.); г) шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш (5-қ.). Жиноят кодекси 113-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ҳисобланади. Таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш деганда, бошқа шахсга жинсий алоқа қилиш ёки бошқа усулларда ушбу инфекцион касаллик қўзғатувчиларини бошқа шахсга ўтказиш мумкин бўлган шароитни яратиш тушунилади. Мазкур қилмиш шахснинг ўзида таносил касаллиги билан касалланганлигини аниқ билиб, жабрланувчининг мазкур касаллик билан оғриши учун аниқ хавф туғдиришидан иборат. Таносил касалликлари, одатда жинсий йўл билан юқадиган юқумли касалликлардан бири бўлиб, уларга сифилис, гонорея, перелой, триппер, юмшоқ шанкр, мояклар (жинсий) лимфогранулематози ва бошқалар тааллуқлидир. Таносил касалликлари жинсий алоқа, маиший мулоқот, зарарланган шприц, игна ва тиббий асбоблар ва бошқа шу кабилар орқали юқиши мумкин. Жиноят кодекси 113-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касалликни бошқа шахсга юқтириши ҳисобланади. Таносил касаллигини юқтириш деганда, бошқа шахсга жинсий алоқа ёки бошқа усуллар билан ушбу инфекцион касаллик қўзғатувчиларини ўтказиш тушунилади. Жиноят кодекси 113-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят жабрланувчига таносил касаллиги юқтирилган пайтдан эътиборан тамом бўлган ҳисобланади. Жиноятнинг субъектив томони тўғри ёки эгри қасдда ифодаланиши мумкин. Жиноят кодекси 113-моддаси учинчи қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ («а» банди) ёки вояга етмаган шахсга нисбатан («б» банди) содир этилган ҳоллар учун жавобгарликни назарда тутди. Жиноят кодекси 113-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ўзида таносил касаллиги борлигини билган 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Жиноят кодекси 113-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг



объектив томони била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш ҳисобланади. ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) – ретро вирус гуруҳига мансуб вирус қўзғатадиган касаллик бўлиб, икки даврга бўлинади: ОИВ инфекцияси ва бевосита ОИТС даври. ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вируси) инфекцияси даври одам организмида вирус бор, лекин касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр ҳисобланади. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) эса, одамнинг иммунитет танқислиги вируси одамнинг иммун тизимини шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи сифатида баҳоланади. ОИВ касаллиги /ОИТС қуйидаги усулларда юқади: 1) жинсий алоқа; 2) инеқцион ва инструментал (шприц, игна ва тиббий асбоблар); 3) гемотрансфузион – инфицирланган қон ёки унинг компонентлари соғлом одамга қуйилиши; 4) перинатал – инфицирланган онадан ҳомилага; 5) трансплантацион – инфицирланган органлар, илик суяги кўчириб ўтказиш, сунъий уруғлантириш; 6) кўкрак сути – онанинг инфицирланган сути орқали чақалоққа; 7) профессионал – ОИВ инфекцияси билан зарарланган одамнинг қони ва секрецияларини таҳлил қилувчи одамларнинг теридаги яралари ва шиллиқ пардалари орқали; 8) маиший – маникюр, педикюр, татуаж, соқол олиш орқали. Мазкур касаллик сўрашганда, ўпишганда, умумий овқатланганда юқмайди. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан зарарланиш одатга кўра, натижаси ўлим билан яқунланади. Шу боис Жиноят кодекси 113-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Жиноятнинг субъектив томони тўғри ёки эгри қасда ифодаланиши мумкин. Жиноят кодекси 113-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти ўзида одамнинг иммунитет танқислиги вируси борлигини билган 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Жиноят кодекси 113-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтиришида ифодаланади. Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги деганда, шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасига кирувчи ҳаракатларни бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳолларда бажармаслиги тушунилади. Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги деганда, шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасидаги ҳаракатларини унинг иши, касбий фаолияти талаб этганидек бажармаганлиги тушунилади. Мазкур жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган шахснинг касби юзасидан беморга қараш ёки даволаш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш юзасидан бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш вазифаси юклатилган тиббиёт ходимлари, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизматларнинг ходимлари бўлиши



мумкин. Амалиётда бундай вазифалар кўпинча тиббиёт ходимлари ҳамда соғлиқни сақлашнинг бошқа ходимларига юклатилади. Агар тиббиёт ходимлари (врач, ҳамшира) ОИВ касаллиги /ОИТС билан зарарланган касаллар билан ўзаро алоқада (операция, қон қуйиш ва бошқа даволаш жараёнларини қўллаш) ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини текшириш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошираётган даврда эҳтиёткорлик чораларига амал қилмаслик натижасида бошқа шахсга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириши Жиноят кодекси 113-моддаси бешинчи қисми билан жавобгарликни келтириб чиқаради. Жиноят кодекси 113-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади[5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1023-сон қарорига кўра, Республикада ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштирувчи Бош вазир раҳбарлик қилувчи Республика комиссияси ташкил этилган ва “ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси тўғрисида Низом” тасдиқланган. Шунингдек мазкур қарор билан Республика ОИТСга қарши кураш маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарорига асосан 2019 йилда Ички ишлар вазирлиги тизимида ОИВ инфекцияларини тарқатишга қарши курашиш бўлим ва бўлинмалари ташкил этилганидан сўнг, ОИВ инфекцияларини тарқалишига олдини олиш йўналишида ҳамкорликда бир қатор тезкор профилактик ва ташвиқот-тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу турда содир этилган жиноятларга қарши курашиш самарадорлиги бошқа жиноят турларида бўлгани каби, жиноятчи шахси билан ишлаш ва унинг шахсига оид маълумотларни таҳлил қилиш, ўрганиш асосида тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш фаолиятини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш билан аҳамиятли ҳисобланади. А.А. Таштемиров бу борада ўз фикрларини қуйидагича баён этади, яъни: “Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор суриштирув ишларини самарали ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар ўзига хослиги билан бошқа жиноятлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун бу ерда жиноятчининг шахсига аниқлик киритиш жиноятнинг содир этилишда асосий ўринга эга. Бунинг учун эса тезкор қидирув тадбирларини ўз вақтида ва самарали қўллаш талаб этилади”[6]. Бундан маълум бўладики, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ИИОлари ходимлари томонидан амалга ошириладиган тезкор қидирув тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши билан боғлиқ экан.



Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, жиноят қонунчилигида белгиланган, таносил ёки ОИВ касаллиги (ОИТС)ни тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг жинойий-ҳуқуқий тавсифи, тушунчалар ва унинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш билан бирга, қарши курашиш субъектларининг ҳатти ҳаракатларини тартибга солиш, уларнинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган фаолият механизмларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, фаолият натижаларини тегишли тартибда ҳужжатларштириш, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш самарадорлигига эришиш имконини бериши билан ўз аҳамиятига эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.UNAIDS.org/sites/default/files/media_asset/miles-to-go_en.pdf.
2. <https://kun.uz/news/2022/12/17/dunyoda-migrantlar-soni-300-millionga-yaqinlashdi>.
3. Манба: ОИТС билан курашиш бўйича Республика маркази (2019).
4. <https://lex.uz/docs/2240470>
5. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов.—Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси, - 2014.- 95-б.
6. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. - 2022. - Т. 2. - №. 14. - С. 320-327.